

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, А.СОТВОЛДИЕВ Параболо - гиперболик типдаги модель тенглама учун учинчи чегаравий шартли нолокал масала	5
Э.МАДРАҲИМОВ, М.МИРЗАКАРИМОВА Математик статистика таҳлил қилиш усулининг бир масаласага татбиғи	11
Д.ОРИПОВ Қаср тартибли бир оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал масалалар	17
М.АБДУМАННОПОВ Мавҳум аргументли бессель функцияси қатнашган ўзгармас коэффициентли интегро-дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала	21

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, А.ДЖУРАЕВ, Ш.ШУХРАТОВ Пахта тозалаш агрегатининг аррачали барабан секцияси конструкциясини ишлаб чиқиш	25
М.НАБИЕВ, К.ГАЙНАЗАРОВА, Я.УСМОНОВ, И.ЮЛДОШЕВА Сезгир элементлардаги термоэлектрик тармоқлар сифатида қўлланиладиган <i>n-PbTe</i> пардалар баъзи хоссаларининг экспериментал тадқиғи ва уларни тузатиш	32

КИМЁ

А.ИБРАГИМОВ, А.ИБРОХИМОВ <i>Nitragia</i> индолли алкалоидлар ва уларнинг сунъий аналоглари физиологик фаоллигининг кимёвий структурага боғлиқлиги	36
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.КУЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ Ўзбекистоннинг баланд тоғли тупроқлари қоплами	39
М.ИСАҒАЛИЕВ, Х.АБДУХАКИМОВА, М.ОБИДОВ Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси	43
В.ИСАҚОВ, У.МИРЗАЕВ Арзиқ-шухли ўтлоқи саз тупроқларнинг суғориш таъсиридаги динамикаси	47

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒОФУРОВ, Г.ХОЛМАТЖОНОВА Даромадлар ва аҳолининг банкдаги пул жамғармалардан манфаатдорлигини ошириш муаммолари	51
--	----

ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ, А.НИШОНОВ Диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги	55
Ж.ҲАЙИТОВ Туркистонда манзарали дарахтлар янги турларининг тарқалиш тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари)	61
Н.РЕЖАББОЕВ Фарғона очларига ёрдам (1923-1924 йиллар)	64
З.РАХМАНОВ, М.ХОМИДЖОНОВА Қадимги Фарғонанинг маданиятларини даврлаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазалар	69

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.ГАНИЕВ, С.ЭВАТОВ, М.НЕЪМАТОВА Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги	74
А.КОМИЛОВ Ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг ўрни	77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.ХЎЖАЕВ “Панчатантра” эпоси ва ўзбек адабиёти	80
--	----

ҚАДИМГИ ФАРҒОНАНИНГ МАДАНИЯТЛАРИНИ ДАВРЛАШТИРИШ БОРАСИДА АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

З.Рахманов, М.Хомиджонова

Аннотация

Мақолада Фарғона қадимги маданиятларини даврлаштиришда тадқиқотчиларнинг олиб борган изланишлари натижасида қўлга киритилган материаллар ва улар чиқарган хулосалар таҳлил қилинган. Мутахассислар томонидан тайёрланган даврлаштиришга оид жадвал ва схемалар солиштириш орқали кўриб чиқилган.

Аннотация

В статье анализируются материалы, полученные в результате работы исследователей по периодизации древних культур Ферганы, а также их выводы. Путем сравнения рассмотрены подготовленные специалистами схемы и таблицы, касающиеся периодизации.

Annotation

In this article, as a result of research by researchers on the periodization of ancient cultures of Fergana, the materials and their conclusions were analyzed. Experts compared the charts and tables regarding periodization.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона водийси, моддий маданиятлар, даврлаштириш, даврий схема, археологик топилма, зироатчилар, чорвадорлар, экспедиция.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, материальная культура, периодизация, периодическая схема, археологическая находка, земледельцы, скотоводы, экспедиция.

Keywords and expressions: Fergana Valley, material culture, periodization, periodic scheme, archaeological finds, farmers, cattle-breeder, expedition.

Фарғона водийси Ўрта Осиёдаги ўзига хос ҳудудлар сирасига кириб, бу ерда қадимдан инсон ҳаёти ва сермахсул фаолияти учун қулай табиий шароит мавжуд бўлган. Деярли барча томондан тоғлар билан ўралган бўлганлиги учун бу маконда унчалик кескин бўлмаган иқлим шароитларини кузатиш мумкин [12.3,6-7].

Водийнинг баланд тоғлар билан ўралиб турганлиги деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ривожини учун ҳам ажойиб шароит яратган, бундай ҳолат "узок вақт мобайнида Фарғона водийсида кетма-кет ривожланиб келган маданият соҳиблари юртимиз қадим тарихий саҳнасида пайдо бўлган буюк салтанатлар ва улғувор давлатларнинг салбий таъсирига учрамай, ўзига хос мустақил тараққиёт йўлидан бориши" [1.3] учун ҳам замин ҳозирлади.

Лекин шу ўринда водий моддий маданиятида буюк давлатларнинг таъсири бўлмаган, деган фикр мутлақо тўғри, деб бўлмайди.

Ҳамма вақт бўлганидек, тадқиқотчилар водийнинг қадимги даври билан боғлиқ муаммони ўрганишдан олдин, албатта, унга оид ёзма манбаларни текшириб кўришган. Аммо на қадимий Авестода, на "Бехустун ёзувлари" да ва на юнон-рим солномларида Фарғона водийси ҳамда унда яшаб фаолият юритган аҳоли ҳақида маълумот қолдирилмаган [8.26].

Тўғри, бу муаммо бўйича махсус тадқиқот олиб борган Н.Горбунованинг фикрига кўра, юнон муаллифлари Фарғона водийси бўйича фақатгина Хўжанд воҳасини асосий сув манбаи бўлмиш Хўжа-Бақирган дарёсигача бўлган ҳудудлар ҳақида маълумотга эга бўлганлар. Юнон муаллифларининг маълумотларига кўра, Фарғона саклар макони бўлиб, у Сўғд ҳудудларининг шарқий чегарасидан ўтадиган Яксарт (Сирдарё, Сайхун)

бўйида жойлашган. Гарчи юнонлар бутун водийни саклар макони деб айтсалар-да, бироқ улардан ташқари бу ерда ўтроқ ҳаёт тарзини олиб борувчи яна қандайдир "варварлар" (юнон бўлмаган бошқа халқлар ёки қоқоқ қабилалар назарда тутилган – З.Р ва М.Х) ҳам бўлган, деб ёзиб қолдиришган [8.28-30]. Юнонларнинг Фарғона водийсида сак қабилаларининг яшаганлиги ва улар юнонларга қарши кураш олиб борганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда қадимий Авестода турли мамлакатлар ва ўлкалар қатори Фарғона номи ҳақида ҳам маълумот бор, деган тадқиқотчилар учрайди [3.42-46]. Муаллифлар бу борадаги ўз фикрларини илмий асосламаган бўлсалар-да, биз ушбу фикрга қўшилган ҳолда бу, эҳтимолдан ҳоли эмас, деб ўйлаймиз. Айтишимиз мумкинки, қадимги ёзма манбаларнинг асл нусхалари янада чуқурроқ ўрганилса, юқоридаги масала юзасидан келтирилган маълумот ҳақиқатан ҳам тўғри бўлиб чиқса, ажаб эмас.

Шу сабабли водий қадимияти билан боғлиқ бўлган муаммоларга тадқиқотчилар асосан археологик қазималар орқали ечим топишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотимизда қўйилган мақсадга эришишда, бевосита қадимшунослар амалга оширган дала тадқиқоти тавсифлари ва улардан келиб чиққан натижаларга кўра чиқарилган хулосаларни ўрганиш ҳамда маълум бир маънода улар тўғрисида умумий фикр бериш масаласидир.

Фарғона водийсида мунтазам археологик тадқиқотлар 1930 йилларда ГАИМК (Государственная академия истории материальной культуры) экспедицияси

З.Рахманов – ФарДУ жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси,
М.Хомиджонова – ФарДУ тарих факультети тарих ўналиши талабаси.

вакиллари томонидан бошланиб [14.120-150], Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кенг тараққий этган. Ушбу тадқиқотларда тош давридан Ўрта асрларгача бўлган хронологик даврга оид кўплаб топилмалар қўлга киритилган. Археологик топилмаларнинг кўпайиб бориши натижасида Фарғона водийси энг қадимги даврлардан буён одамлар томонидан ўзлаштирилиб, бир неча минг йиллик суғорма деҳқончилик тарихига эга эканлиги тобора ойдинлашиб борган. Водий ёдгорликларидан дала тадқиқотлари жараёнида олинган археологик материалларнинг кўпчилиги мил. авв. II-I минг йилликларга тўғри келган ва, табиийки, бу қадар катта тарихий давр ёдгорликлари бир хил бўлмаган.

Қадимги Фарғона моддий маданияти ёдгорликларининг турли хил бўлиши, авваломбор водийда бирга яшаб келган зироатчи ва чорвадор халқларнинг мураккаб тарихини акс эттиради. Бу ҳолат эса бир-биридан фарқли икки хўжалик юритувчи қабилаларнинг ўзаро таъсири туфайли турли туман маданий ва этник таркибли қабилаларнинг шаклланишига олиб келган. Айнан шу сабаб мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан бошланиб милодий VIII асргача бўлган тарихни англаш учун охириги 70-80 йил ичида тўпланган бой топилма материаллардан археологик маданиятларни алоҳида-алоҳида қилиб ажратиб олиш зарурияти олимлар орасида кўплаб муҳокама ва тортишувларга сабаб бўлиб келган ҳамда бу баҳслар ҳали ҳам давом этмоқда [5.52-57; 7.99-107; 10.17-24; 11.25; 15.208; 16.176; 17.53-56].

Фарғонанинг қадимги маданиятларининг даврлаштирилишига оид дастлабки жадвал ва схема ҳали археологик материаллар етарли бўлмасдан, ўтган асрнинг 30-йилларида Б.А.Латинин томонидан тайёрланган эди ва унга кўра водий тарихи тўрт босқичдан иборат қилиб берилган [14.142-143]. Лекин ўтган асрнинг 50-йилларда Б.А.Латинин қадимги Фарғонанинг деҳқончилик маданиятларини археологик даврлаштиришни 3 та йирик даврга бўлган ҳолда схема таклиф қилди [13.17]. Кейинчалик бошқа тадқиқотчилар ҳар бир босқичга турли ном ва даврий саналарни таклиф қилишган [4.346; 6.23-46; 9.17-24]. Шу сабабли ҳануз баҳс ва тортишувлар тугагани йўқ. Бу ҳолат айрим тадқиқотчиларнинг нуқтаи назари фақатгина сўнги бронза даври ёдгорликлари ҳисобланмиш Эйлатон-Оқтом маданиятига доирлари билан алмашилишида бир-бири билан туташса, бошқа ҳолларда эса улар бутунлай бир-биридан фарқ қилади. Қуйидаги икки жадвал (а ва б жадваллар)да фарғонашунос олимлар томонидан таклиф этилган водий тарихидаги маълум маданиятлар кетма-кетлиги ва даврий схемалари келтирилган*.

Албатта, археологик материалларнинг кўпайиб боришига яраша ўз вақтида уларни умумлаштириб берувчи махсус тадқиқотлар яқунланиб улгурилмаганлиги мавжуд муаммоларни бир томондан кучайтирган бўлса,

иккинчи томондан эса таниқли олимларнинг мақоми ёш тадқиқотчилар шахсий археологик қазилмалари натижаларини умумлаштиришларида бир қатор қийинчиликлар туғдирган [2.113-120]. Шу билан бирга гарчи археологик изланишлардаги юқорида келтирилган мураккаб муаммолар айрим тадқиқотчилар томонидан тартибга келтириш ва бу муаммолар ечимини белгилашга қаратилган уринишлари махсус номзодлик диссертацияларида умумлаштирилган бўлса-да [11.25], деярли кўпчилик ечимини кутаётган муаммолар илмий мунозара ва баҳслардан четга чиқиб қолди.

Бир мақолада юқорида тўхталиб ўтилган муаммоларнинг тўлиқ равишда таҳлилини беришнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, қуйида уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик:

1) даставвал водий қадимги маданиятини даврлаштиришда кўплаб тадқиқотчилар ўз фикр-мулоҳазаларини берган бўлса-да, фикримизча, ҳозирга қадар водий тарихи кетма-кетлигини белгилаб берувчи ягона стратиграфик тўлиқ тадқиқот амалга оширилмаган;

2) водий ҳудудида тадқиқот олиб борган айрим тадқиқотчилар унинг моддий маданияти кетма-кетлигини вертикал эмас, балки горизонтал тарзда амалга оширган бўлиб, ҳар қайси ёдгорлик алоҳида давр ҳисобланар, ёдгорликларнинг ички хронологияси эса ҳал қилинмаганлигича қолган эди. Ю.А.Заднепровский бўйича ёдгорликларнинг қуйи қатлами билан юқори қатламлари ўртасидаги фарқ ажратиб кўрсатилмаганга ўхшайди. Шунинг учун, ажратилган Чуст маданияти билан Эйлатон маданияти ва Эйлатон маданияти билан Шурабашат даври археологик комплекслари ўртасидаги боғлиқликнинг йўқлиги кўриниб туради. Бу эса, ўз навбатида, даврлаштиришнинг айрим ерларидаги археологик материаллар тўғри турганлигига ёки тўғри тушуниб таҳлил қилинганлигига услубий жиҳатдан бироз нотўғри ёндошилганлигини кўрсатади;

3) фикримизча, водийнинг қадимги моддий маданияти тарихини кетма-кетликда даврлаштириш бўйича тўғри ёндашувни ўзининг бутун куч-ғайратини шу ишга сарфлаган Н.Г.Горбунованинг тадқиқотларида кўриш мумкин. У ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолидан қолган моддий маданият белгиларига қараб, Фарғона водийси тарихини археологик даврлаштириш жадвалида ўзининг махсус устунини (колонкасини) яратган ҳамда ушбу ҳудудда кенг тарқалган қизил ангоб билан қопланган чарҳда ясалган идишларни милодий II-VI асрлар билан даврлаштиришни таклиф этган. Фикримизча, бу масалага янада аниқлик киритиш учун Фарғона водийсининг бир қанча ёдгорликларида янги ягона тизимлаштирилган микростратиграфик қазилмаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ТАРИХ

Жадвал схема * а)

Латинин Б.А.*	Бернштам А.Н.	Заднепровский Ю.А.	Горбунова Н.Г.	Литвинский Б.А.	Козенкова В.И.	Салтовская Е.Д.
Ф-III	Туркий давр VI-VIII асрлар	Косон даври V-VIII асрлар	Сўнги IV-VII асрлар	Қорабулоқ-Ворух ва Ашт маданияти мил.авв. II-I асрлардан мил. V-VI асрларгача	Ғайраттепа V-VI асрлар	Ашт V милодий VII-VIII асрлар Ашт IV милодий V аср ўрталари - VI аср бошлари
Ф-II	Кушон босқичи II-V асрлар Хун-Кушон	Мархамат даври I-IV асрлар	Ўрта I-IV асрлар	Эйлатон маданияти мил.авв. VIII-III асрлар	Даврлаштирилмаган	Даврлаштирилмаган
1	Усун-довон босқичи мил.авв. II-I асрлар	Шўрабошот даври мил.авв. IV-I асрлар	Эйлатон-Оқтом мад-ти мил.авв. VII-III	Эйлатон билан синхрон илк темир даври	Даврлаштирилмаган	Даврлаштирилмаган
3	Сак-усун даври	Саклар босқичи мил.авв. VII-V	Чуст ва Қайроққум маданиятлари мил.авв. XI-VIII асрлар	Қайроққум маданияти мил.авв. VIII-III асрлар	Даврлаштирилмаган	Даврлаштирилмаган
Ф-I	Бронза даври мил.авв. II минг йиллик	Чуст даври мил.авв. II минг йиллик охири – мил.авв. VIII аср	Чуст ва Қайроққум маданиятлари мил.авв. XI-VIII асрлар	Қайроққум маданияти мил.авв. VIII-III асрлар	Даврлаштирилмаган	Даврлаштирилмаган
3	Сўнги босқич мил.авв. IV-III асрлар	Саклар босқичи мил.авв. VII-V	Чуст ва Қайроққум маданиятлари мил.авв. XI-VIII асрлар	Қайроққум маданияти мил.авв. VIII-III асрлар	Даврлаштирилмаган	Даврлаштирилмаган
2	Бронза даври мил.авв. II минг йиллик	Чуст даври мил.авв. II минг йиллик охири – мил.авв. VIII аср	Чуст ва Қайроққум маданиятлари мил.авв. XI-VIII асрлар	Қайроққум маданияти мил.авв. VIII-III асрлар	Даврлаштирилмаган	Даврлаштирилмаган
1	Бронза даври мил.авв. II минг йиллик	Чуст даври мил.авв. II минг йиллик охири – мил.авв. VIII аср	Чуст ва Қайроққум маданиятлари мил.авв. XI-VIII асрлар	Қайроққум маданияти мил.авв. VIII-III асрлар	Даврлаштирилмаган	Даврлаштирилмаган

Жадвал схема * б)

Ф-III	Латинин Б.А.*	Абдулгазиева Б.		Брикина Г.А.	Матбобоев Б.Х.		Иванов Г.П.	Кудратов С.С			
		Шўртепа даври VII-VIII асрлар	Шўртепа комплекси мил. V-VIII асрлар		Сарвонтепа, Чордона ва Яккатепа – мил. V-VI ва VII-VIII асрлар	Мунчактепа I, II, Баландтепа V-VI ва VII-VIII асрлар					
Ф-II	3	Сўнги босқич мил. II-IV асрлар	Сартела комплекси мил. I-IV асрлар	Даврлаштирилмаган	Мархамат даври I-IV асрлар	Шўрабошот даври (илк босқичи) мил. III – IV асрлар	Шўрабошот даври (илк босқичи) мил. III – IV асрлар	4-босқич Куюк II/1-3. мил. IV-V асрлар			
	2	Ўрта босқич мил.авв. I - мил. I асрлар							Шўрабошот даври (илк босқичи), Ашт, Воруҳ-Қорабулоқ даври мил. II – III асрлар	3-босқич Куюк I мил. II-III асрлар	
Ф-I	1	Илк босқич мил.авв. III-II асрлар	Султонобод комплекси мил. авв. IV-I асрлар	Даврлаштирилмаган	Шўрабошот даври мил.авв. IV-I асрлар	Шўрабошот даври (илк босқичи) мил.авв. II - мил. I асрлар	Шўрабошот даври (илк босқичи) мил.авв. II – мил. I асрлар	2-босқич Қайновот мил.авв. II – мил. I асрлар			
	3	Сўнги босқич мил.авв. IV-III асрлар							Сарвонтепа ва Эйлтон даври мил. авв. VI-III асрлар	Эйлтон (Эйлтон-Оқтом) даври 2 босқичи мил.авв. IV-II асрлар	1-босқич Эйлтон, мил авв. III-II асрлар
	2	Ўрта босқич мил.авв. VII-IV асрлар							Эйлтон даври мил.авв. VII-IV асрлар	Эйлтон даври 1 босқичи мил.авв. VII-V асрлар	Даврлаштирилмаган
1	Илк босқич Чуст мил.авв. II минг йиллик 2-ярми	Чуст даври мил.авв. XII-VII асрлар	Қайроққум маданияти мил.авв. X-VII асрлар	Чуст маданияти мил.авв. X-VII асрлар							

* Изох - Фарғона водийси археологик ёдгорликларини босқичма-босқич даврлаштириш дастлаб Б.А Латинин томонидан тақдим этилганлиги учун биз а) ва б) жадвалларнинг ҳар бирида дастлаб унинг даврлаштириш схемасини келтирдик.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Б.М. Возникновение и этапы развития фортификации Ферганы в древности и средневековье // Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 2007.
2. Абдуллаев Б.М. Урбанизационные процессы античной Ферганы // История и археология Турана. - Самарканд, 2016. - № 3.
3. Алохунов А.А., Қамбаров Н. “Авесто” жамияти хусусиятларининг Фарғона водийси тарихида акс этиши // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги III республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2014.
4. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. - М., Л., 1952. -№ 26.
5. Горбунова Н.Г. К вопросу о датировке комплексов с шурабашатской керамикой в Восточной Фергане // АСГЭ. -№ 17. -Л., 1977.
6. Горбунова Н.Г. Кугай-карабулакская культура Ферганы // СА. -1983. -№ 3.
7. Горбунова Н.Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. Вып. 25. 1984.
8. Горбунова Н.Г. Фергана по сведениям античных авторов // История и культура народов Средней Азии. – М.: Наука, 1976.
9. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. -М., 1962. -№ 118.
10. Заднепровский Ю.А. Спорные вопросы истории культуры древней Ферганы // КСИА. Вып. 209. 1993.
11. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация) // Автореф. ... канд. ист. наук. -Самарканд, 1999.
12. Ильин И.А. Водные ресурсы Ферганской долины (гидрологический очерк). – Л., ГИМИЗ, 1959. – 247 стр.
13. Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы // КСИИМК. Вып. 64. -М.:Из-дат АН, 1956.
14. Латынин Б.А. Отчет о работах (Фергана) // Изв. ГАИМК. Вып. 110. -Л., 1935.
15. Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы // История и культура народов Средней Азии. -М., 1976.
16. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья (по материалам погребальных и городских памятников). – Т.: Tafakkur, 2009.
17. Рахманов З.О., Фарманова Г.К. Фарғона водийсини археологик ўрганишининг дастлабки босқичлари ва даврлаштиришдаги айрим масалалар // Ilmiy xabarname. -№4. – Андижон, 2016.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)